

“BENBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

ЖОНДОР ТУМАНИ АҲОЛИСИНИ ТУРАР ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЙ МАСАЛАЛАРИ.

Воҳидов Шахзод Кенжаевич

Бухоро технологиялар университети 1 курс докторанти.

Охирги йилларда Республикамизда жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларга албатта давлат томонидан анча катта маблағлар сарф қилинди ва қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида наъмунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарори талабларига асосан Республикамиз қишлоқларида кам таъминланган оилалар учун арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масаланинг долзарблигини ҳеч кимга исботлаш ёки тушун-тиришнинг зурурати йук, чунки ҳар бир киши ва ҳар бир оила қайердадир яшаши керак. Асосан янги уй-жойга эҳтиёж янгидан ташкил бўлган ёш оилаларда пайдо бўлишини ва оила аъзолари сони ҳали кам бўлганлигини ҳамда ер майдонини иқтисод қилиш мақсадида 2017 йилдан бошлаб 2 сотихли ер майдонида 2-3 хонали бир қаватли турар жой бинолари қурилиши бошланди [1].

Бундай уй-жойларга талабгорлар кўплиги ва уларга ер майдони ажратиш масаласи бўш ер майдони мавжуд эмаслиги охирги пайтларда, уй-жой қуриш учун ер майдони самарасиз бино-иншоотлар ер майдони ёки экин ер майдонлари ҳисобидан ажратилишига мажбур бўлинаётганлиги ҳамда мазкур масала ечилиши қийинлиги туфайли барча уй-жойга муҳтожларнинг талабини қондириш анчагина мураккаб масала бўлиб турибди.

Ушбу масаланинг долзарблигини ҳеч кимга исботлаш ёки тушун-тиришнинг зурурати йўқ, чунки ҳар бир киши ва ҳар бир оила қайердадир яшаши керак. Асосан янги уй-жойга эҳтиёж янгидан ташкил бўлган ёш оилаларда пайдо бўлади, ушбу ёш оиланинг бошлиғи - ёш йигит қайерда яшаши ва қанча даромад қилиши ҳали маълум эмас. Демак ушбу оила янгидан яқка тартибда уй-жой қуриши учун аваламбор мазкур оилага ер участкаси ажратилиши лозим, ундан кейин қурилиш ишларини бошлаши мумкин бўлади [2].

Олдинги даврда, қишлоқ жойларида, ҳар бир оилага яқка тартибда турар жой биноси қуриш учун 1500м² (15 соток) ер майдони ажратилиши кўзда тутилган эди. Ўтган давр ичида аҳоли сони кескин ошиши ҳисобига ушбу норма асосида ер майдони ажратиш имконсиз бўлиб қолди, чунки ер майдонлари бизни боқиб турган экин ер майдони ҳисобидан бажарилиши иқтисодий тарафдан нотўғри эканлигини ҳисобга олиб, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодексига” ўзгартириш киритилди ва яқка тартибда турар жой қуриш учун ер майдони ажратилиши нормаси ҳар бир оилага 600м² гача қилиб белгиланди [3].

“BEHBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида наъмунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарори талабларига асосан Республикамиз қишлоқларида кам таъминланган оилалар учун арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш ишлари олиб борилмоқда [4]. Ушбу масаланинг долзарблигини ҳеч кимга исботлаш ёки тушун-тиришнинг зурурати йук, чунки ҳар бир киши ва ҳар бир оила қаердадир яшаши керак. Асосан янги уй-жойга эҳтиёж янгидан ташкил бўлган ёш оилаларда пайдо бўлишини ва оила аъзолари сони хали кам бўлганлигини ҳамда ер майдонини иқтисод қилиш мақсадида 2017 йилдан бошлаб 2 сотихли ер майдонида 2-3 хонали бир қаватли турар жой бинолари қурилиши бошланди.

Бу тоифадаги турар жой бинолари асосан туман марказлари ёки шаҳарларга ёндош бўлган жойлардан, баъзи жойларда туман марказлари ҳудудидан ажратилган жойларда қурила бошланди. Бунга сабаб нима? Бунга сабаб шуки, юқорида айтилган ҳудудларда муҳандислик инфраструктураси- тармоқлари яъни электр тармоғи, табиий газ ва ичимлик суви билан нисбатан таъминланган эканлигидир. Яна катта муаммолардан бири бу оқава сувларни чиқариш учун канализация тармоқларининг ривожланмасдан қолаётганлигидир, бу масала ечилмасдан келаятганлигининг асосий сабаби, бу маблағ етишмовчилиги бўлиб, канализация-муҳандислик тармоқларининг энг қимматларидан бири ҳисобланади [5].

Бу масалани кўтаришдан мақсад шуки, юқоридаги тадбирлар асосида туман марказларида ёки у кенгайиши лозим бўлган ҳудудда шаҳарга эмас, балки қишлоқда мос тушадиган турар жой бинолари қурилаятганлиги бўлиб, бу шаҳарсозликда аҳоли зичлигини (плотность застройки) камайтиради, шаҳарнинг кўринишини - “шаҳарлашиш”нинг кўринишини ўзгартирмоқда. Бундай паст қаватли тураржойларни ҳақиқатдан ҳам қишлоқ жойида қуриш мақсадга мувофиқ бўлади, бунинг учун қишлоқ жойида муҳандислик инфраструктурасини кескин ривожлантириш талаб этилади [4].

Бундай масалалар бир кунда эмас, балки 3-5 йиллик ва узок муддатли дастур асосида, яъни аввал муҳандислик тармоқларини ривожлантириш ҳисобига бажарилиши керак бўлади.

Бундан ташқари қишлоқларда ёш оилалар учун 2 қаватли кўп квартирали турар жойлар қуришни бошлаш керак. Фақатгина шаҳардаги ва қишлоқдаги кўп қаватли турар фарқ қилиши керак, яъни қишлоқ аҳолисига мазкур уй-жойдан 400-500 метр масофада 2-3 сотих томарқа ер майдони ажратилса, қишлоқ аҳолиси иссиқхона ёки бошқа турдаги дехқончилик ҳисобидан ўзини иш билан таъминлаган ва даромад топган бўлар эди.

Мен эътибор қилган масалалардан яна бири шуки, қишлоқларнинг бош режасини ҳеч қачон қишлоқда яшамаган мутахассислар лойиҳалаяпти деб ҳисоблайман, чунки мен иш тажрибамдан бунга кўп бора тўқнаш келганман. Ундан ташқари қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаш меъёрлари ҚМҚ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари) ҳозирги

“BENBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

замон талабларига мос келмасдан қолган ва уларни такомиллаштириш талаб этилади деб хисоблайман, агар ушбу ҚМҚ ларга замон талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритилмаса, бу ҳолда биз яна замондан орқада қолиб кетамиз ҳамда бу масала қишлоқларнинг ривожланмасдан қолишига олиб келишига аминман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси “ЕР КОДЕКСИ”
2. “ШАХАР ВА ҚИШЛОҚ АХОЛИ ПУНКТЛАРИ ХУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ” ШНҚ 2.07.01-03
3. Самигов Н.А., Рахмонов А.Р ва бошқалар «Бино ва иншоотларни консервациялаш» ўқув қўлланма 2003.
4. Пўлатов Х.Ш., А.Уролов «Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш» ўқув қўлланма Тошкент 2002.
5. Қодирова.Т.Ф. Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи (Ўзбекистоннинг XX аср – XXI аср боши замонавий архитектураси). Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент— 2012.

АРХИТЕКТУРА СОВРЕМЕННОСТИ В ФОРМАТЕ МАЛЫХ ФОРМ

Хамидова Мохигул Хаёт кизи

Магистр 1 курса Бухарского технологического университета

Негматуллаев Б.У

*Кандидат технических наук, доцент Бухарского
технологического университета Республика Узбекистан.*

E-mail: moximoxi523@gmail.com

Аннотация. В данной статье изучается один из основных критериев сферы архитектуры – устойчивость, на сколько долго смогут прослужить сегодняшние здания, как с конструктивной, так и с эстетической точки зрения. Применение новейших технологий и креативных идей на малых формах. Эта статья посвящена способам улучшения уникальности и многофункциональности архитектурных проектов Узбекистана.

Ключевые слова: рациональность, полноценный проект, долговечность, приоритеты сферы архитектуры, архитектурная форма, облик, конструирование, природная геометрия, остановочный пункт.